

САВОЛЛАР

1. Адлия вазирлиги “Ijro.gov.uz” тизимини юритиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?
2. Вазирлар Маҳкамаси “Ijro.gov.uz” тизимини юритиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?
3. Ҳисоб палатаси “Ijro.gov.uz” тизимини юритиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси “Ijro.gov.uz” тизимини юритиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?
5. “Ijro.gov.uz” тизимининг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлиги учун қайси ташкилот жавобгар ҳисобланади?
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ Адлия вазирлигига қандай қўшимча вазифалар юклатилди?
7. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижронини назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш қачондан бошлаб фақат “Ijro.gov.uz” тизимида амалга оширилади.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий даражадаги ташрифлари давомида имзоланган ҳужжатлари ва инвестиция лойиҳалари бўйича топшириқлар ижроси устидан назорат ким томонидан амалга оширилади?
9. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича йиллик манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар дастури қандай тартибда ишлаб чиқилади ва ким томонидан тасдиқланади?
10. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан “Ijro.gov.uz” тизимиға зарур маълумотларни ўз вақтида киритмаслик ёки нотўғри маълумотларни киритиш, шунингдек, бу борада Адлия вазирлиги кўрсатмаларини ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик қонунчиликка мувофиқ қандай жавобгарлик чораларини қўллаш учун асос бўлади?
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан “Ijro.gov.uz” тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари электрон нусхалари Адлия вазирлигига қанча вақтда юборилади?

12. Адлия вазирлиги томонидан “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинадиган топшириқларни киритиш, улардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочилар ва топшириқларни бажариш муддатларини белгилаш қанча вақтда амалга оширилади?

13. Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ijro.gov.uz” тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича келиб тушган маълумотларни қабул қилиш, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида топшириқлар бўйича масъул ижрочини, зарур бўлганда вазирлик ва идораларни белгилаш, топшириқларни назоратга олиш қанча муддатда амалга оширилади?

14. Адлия вазирлиги масъул ижрочилар томонидан киритилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиши натижаларини қанча вақтда кўриб чиқиши лозим?

15. Вазирлар Маҳкамаси масъул ижрочилар томонидан киритилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиши натижаларини қанча вақтда кўриб чиқиши лозим?

16. Ҳисоб палатаси томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг бориши қанча вақтда кўриб чиқилади?

17. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати тўғрисидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига қанча вақтда киритиб борилади?

18. Ҳисоб палатаси томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қанча вақтда ахборот киритиб борилади?

19. Давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш қандай тартибда амалга оширилади?

20. Давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар учун қандай талаблар белгиланган?

21. Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари лавозимга тайинлашни келишиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак?

22. Давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари қанча вақтда ва каерда стажировкадан ўтказилади?

23. Давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари малакасини ошириш қандай тартибда амалга оширилади.

24. Давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларидан стажировка ўташ давомида қандай вазифаларни бажариш талаб этилади?

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги 171-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларининг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этишдаги жавобгарлиги нималарда намоён бўлади:

26. “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назорати юритилади?

27. 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармон билан Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинаётган чора тадбирларни тушунтириш мақсадида қандай амалиёт жорий этилди?

28. Адлия вазирлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритилиш ишлари қандай амалга оширилмоқда?

29. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот қанча вақтда масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизимида киритиб борилиши зарур?

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларида белгиланган ижро муддатлари қандай тартибда узайтирилиши мумкин?

31. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига қайси вазифалар юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилган?

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан қайта назоратга олинган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижроси масъул ижрочилар томонидан таъминлангандан кейин уни назоратдан ечиш тартибини тушунтиринг.

33. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда топшириқ муддатини узайтириш қандай тартибда амалга оширилади ?

34. Хўжалик бирлашмаларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолатини муҳокама қилиб бориш тартиби қандай ?

35. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг назорат қилиниши тартиби қандай ?

36. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш қандай тартибда амалга оширилади?

37. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш қандай босқичларда амалга оширилади?

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил етишда Адлия вазирлигининг роли қандай?

39. Адлия вазирлиги Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини доимий таҳлил қилиб боради ва назорат қилади. Шунга кўра, таҳлил жараёнида Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро этилиши бўйича "Ijro.gov.uz" тизими орқали киритилган маълумотларга қандай мезонлар асосида баҳо берилади?

41. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ҳолати юзасидан раҳбар ва унинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳамда ҳайъат маслисларида қачон муҳокама қилинади?

42. Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси ҳолати тўғрисидаги маълумотни қандай даврийликда ва кимларга киритиб боради?

43. Адлия вазирлиги ҳар ой якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритадиган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича умумлаштирилган маълумотномада нималар акс этдирилиши лозим?

44. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро этилиши ҳолати бўйича таҳлилий маълумотнома Адлия вазирлиги томонидан қандай шакллантирилади:

45. Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари қай тартибда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этади?

46. Вазирлар Маҳкамаси бевосита масъул бўлган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақида айтиб беринг?

47. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг.

48. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг.

49. Давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг.

50. Адлия вазирлиги ҳудудий бўлинмаларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг.